



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING QONUNI

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга, коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2026 йил 25 майда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2026 йил 13 июнда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган тизим шакллантирилди.

Бироқ қўрилаётган тизимли чораларга қарамай, бир қатор соҳаларда коррупция ҳолатлари юқориликча сақланиб қолаётганлиги коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини ошириш, коррупцияга оид жиноятлар содир этганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек ёшларни коррупцияга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялаш заруриятини юзага келтирмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик ва жазо чораларини кучайтиришга, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий ва ҳудудий кенгашлар, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, компаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга, коррупцияга оид жиноятларнинг аниқ рўйхатини белгилашга, коррупция ҳақида хабар берган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашга, давлат харидларини амалга оширишда коррупциявий омилларни қисқартиришга, шунингдек ёшларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат шакллантирилишини ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Мазкур Қонун коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга, коррупцияга қарши курашиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда, № 8, 818-модда, № 9, 954, 964-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1079, 1083-моддалар, № 11, 988-модда, № 12, 1280, 1287-моддалар; 2025 йил, № 2, 196-модда, № 3, 376, 377-моддалар, № 5, 643, 647-моддалар, № 8, 968-модда, № 9, 1042-модда, № 10, 1156-модда, № 11, 1236-модда; 2026 йил, № 1, 5-модда, № 3, 249, 250, 253-моддалар, № 4, 353, 354, 361-моддалар) қуйидаги кўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) 73-модданинг тўртинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги «в¹» банд билан тўлдирилсин:

«в¹) ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлик, шунингдек фирибгарлик учун ҳукм қилинган ва содир этган жинояти туфайли етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопламаган шахсга»;

«г» банди «Ўзбекистон Республикасига, тинчликка ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этганлик» деган сўзлардан кейин «такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёхуд жуда кўп миқдорда пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилганлик» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) 167-модда:

иккинчи қисми диспозициясининг «в» ва «г» бандлари қуйидаги мазмундаги «в» банд билан алмаштирилсин:

«в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса»;

учинчи қисми диспозициясининг «г» банди қуйидаги мазмундаги «г» ва «д» бандлар билан алмаштирилсин:

«г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб;

д) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса»;

3) 168-модда:

учинчи қисми:

диспозициясининг «в» ва «г» бандлари қуйидаги мазмундаги «в» банд билан алмаштирилсин:

«в) ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса»;

санкциясидаги «муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисми:

диспозициясининг «в» банди қуйидаги мазмундаги «в» ва «г» бандлар билан алмаштирилсин:

«в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

г) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса»;

санкцияси «жарима ёки» деган сўзлардан кейин «муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) 192¹⁰-модда:

биринчи қисмининг санкцияси «бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмининг санкцияси «бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) 192¹¹-модда **иккинчи қисми диспозициясининг «б» банди** қуйидаги мазмундаги «б» ва «в» бандлар билан алмаштирилсин:

«б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

в) ғаразгўйлик ниятларида содир этилган бўлса»;

б) **205-модда иккинчи қисми диспозициясининг «б» банди** куйидаги мазмундаги «б» ва «в» **бандлар** билан алмаштирилсин:

«б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

в) ғаразгўйлик ниятларида содир этилган бўлса»;

7) **206-модда иккинчи қисми диспозициясининг «б» банди** куйидаги мазмундаги «б» ва «в» **бандлар** билан алмаштирилсин:

«б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

в) ғаразгўйлик ниятларида содир этилган бўлса»;

8) **208-модда** куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳокимият ҳаракатсизлиги ғаразгўйлик ниятларида содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

9) **209-модда:**

биринчи қисмининг диспозициясидаги «ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми диспозициясининг «б» банди куйидаги мазмундаги «б» ва «в» **бандлар** билан алмаштирилсин:

«б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

в) ғаразгўйлик ниятларида содир этилган бўлса»;

10) **213-модда:**

биринчи қисмининг санкцияси «икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар «бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **214-модда:**

биринчи қисмининг санкцияси «икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар «бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **301-модда иккинчи қисмининг диспозицияси** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўша қилмишлар:

а) баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиб;

б) ғаразгўйлик ниятларида содир этилган бўлса»;

13) Саккизинчи бўлим қуйидаги мазмундаги атама билан тўлдирилсин:

- «Коррупцияга оид жиноятлар** – 1) ушбу Кодекс 167-моддаси учинчи қисмининг «д» бандида, 168-моддаси тўртинчи қисмининг «г» бандида, 192⁹, 192¹⁰-моддаларида, 192¹¹-моддаси иккинчи қисмининг «в» бандида, 205-моддаси иккинчи қисмининг «в» бандида, 206-моддаси иккинчи қисмининг «в» бандида, 208-моддасининг иккинчи қисмида, 209-моддаси иккинчи қисмининг «в» бандида, 210, 211, 212, 213, 214, 214¹, 214²-моддаларида ва 301-моддаси иккинчи қисмининг «б» бандида назарда тутилган жиноятлар;
- 2) ушбу Кодекснинг 243-моддасида назарда тутилган жиноят, агар мазкур жиноят коррупцияга оид жиноятларни содир этиш натижасида олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12,

336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда, № 9, 713-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 115-модда, № 9, 964-модда, № 10, 1070, 1073, 1077, 1083-моддалар, № 12, 1280, 1286, 1292-моддалар; 2025 йил, № 1, 8-модда, № 2, 196, 201-моддалар, № 3, 376-модда, № 6, 727-модда, № 8, 968, 969-моддалар, № 9, 1042-модда; 2026 йил, № 1, 5-модда, № 4, 353, 354-моддалар) **270-моддаси** куйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатиб ўтилган шахсларни химоя қилиш учун хавфсизлик чораларини қўллаш асослари ва тартиби қонун билан белгиланади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335,

339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар; 2025 йил, № 1, 5, 8-моддалар, № 2, 187, 188, 196, 198, 201-моддалар, № 3, 368, 376-моддалар, № 4, 517, 521-моддалар, № 5, 643, 644-моддалар, № 6, 729-модда, № 7, 828, 829, 832-моддалар, № 8, 968, 971-моддалар, № 11, 1233, 1236, 1237-моддалар, № 12, 1322, 1327, 1328, 1329-моддалар; 2026 йил, № 1, 2, 6-моддалар, № 2, 131, 133-моддалар, № 3, 249, 250, 253-моддалар, № 4, 351, 353, 354, 355, 356, 359, 361, 364-моддалар) **175⁸-моддаси** куйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Давлат хариди предметининг бошланғич нархи ва унинг ўртача бозор нархи ўртасида йўл қўйиладиган тафовутнинг энг кўп миқдорига нисбатан белгиланган талабни бузиш, бундан талон-торож қилиш ҳоллари мустасно, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган «**Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида**»ги ЎРҚ–406-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 271-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 1, 5-модда; 2024 йил, № 9, 964-модда; 2025 йил, № 12, 1329-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг еттинчи хатбошиси** «уларда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **12¹-модда биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошиси** «экстремизмнинг ёт гоъларига қарши иммунитетни мустаҳкамлаш» деган сўзлардан кейин «ҳамда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган «**Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–419-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 8, 629-модда; 2024 йил, № 6, 530-модда; 2025 йил, № 2, 201-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-бобнинг номидаги «органлар ҳамда ташкилотлар»** деган сўзлар «**органлар, ташкилотлар ҳамда тузилмалар**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **7-модданинг:**

номидаги «давлат органлари» деган сўзлар «**давлат органлари ва тузилмалари**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми:

биринчи хатбошисидаги «давлат органлари» деган сўзлар «давлат органлари ва тузилмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«давлат органлари ва ташкилотларининг, давлат иштирокидаги корхоналарнинг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари (бундан буён матнда давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари деб юритилади)»;

учинчи – еттинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи – саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) 8-модда:

номи куйидаги тахрирда баён этилсин:

«8-модда. Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши»;

биринчи қисмидаги «ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш» деган сўзлар «ташкилотларнинг фаолиятини ҳуқуқий-услубий жиҳатдан мувофиқлаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми куйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Миллий кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва Миллий кенгаш раисидан, раиси ўринбосаридан ҳамда аъзоларидан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси Миллий кенгаш раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Миллий кенгаш раисининг ўринбосари ҳисобланади»;

учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш» деган сўзлар «ташкилотларнинг фаолиятини ҳуқуқий-услубий жиҳатдан мувофиқлаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги **олтинчи, еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Кенгаш фаолиятининг асосий ташкилий шакли Кенгаш мажлисидир. Кенгаш ўз ваколатлари жумласига кирадиган масалаларни, коида тарикасида, ҳар чоракда ўз мажлисида кўриб боради.

Кенгаш мажлиси аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

Кенгаш мажлисларида қабул қилинадиган қарорларнинг бажарилиши давлат органлари ва ташкилотлари учун мажбурийдир»;

4) 8¹-модда:

куйидаги мазмундаги **биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга ошириш, давлат органларининг, оммавий ахборот воситаларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш, шунингдек мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик бўйича махсус ваколатли орган ҳисобланади»;

биринчи ва **иккинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

иккинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни шакллантириш ва амалга оширишда бевосита иштирок этади;

мамлакатдаги коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилади, шунингдек коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳаларни ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлайди»;

учинчи – ўн учинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи – ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўн тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«вазирликлар ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини таҳлилий ва ҳуқуқий-услугий жиҳатдан мувофиқлаштиради, давлат органларининг, оммавий ахборот воситаларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ҳамда бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича самарали ҳамкорлигини ташкил этади»;

қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи – йигирма биринчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«коррупциянинг олдини олишга қаратилган тадбирларга фуқаролик жамияти институтларининг вакилларини фаол жалб этиш учун зарур шарт-шароитлар яратади, коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш ва жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича улар билан ижтимоий шериклик дастурларини ишлаб чиқади ҳамда биргаликда амалга оширади;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотни тарқатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари самарали фаолият кўрсатишини ҳамда коррупцияга қарши курашишга доир бошқа воситалар жорий этилишини мониторинг қилиб боради;

давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этишга ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга кўмаклашади, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш чораларини кўради;

давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани, шунингдек манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тизимини ишлаб чиқади ҳамда унинг самарали ишлашини ташкил этади»;

5) куйидаги мазмундаги 8² ва 8³-моддалар билан тўлдирилсин:

«8²-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашлари

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашлар (бундан буён матнда ҳудудий кенгашлар деб юритилади) ташкил этилади.

Ҳудудий кенгашлар давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларида иборат таркибда Миллий кенгаш қарори билан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари раислари ҳудудий кенгашларнинг раислари ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари котибиятлари тегишли ҳудудий кенгашларнинг ишчи органидир.

Ҳудудий кенгашларнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг жойларда амалга оширилишини ташкил этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳудудий тузилмаларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини ҳуқуқий-услубий жиҳатдан мувофиқлаштириш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳудудий тузилмалари раҳбарларининг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳолати ҳамда келгусида режалаштирилган чора-тадбирлар юзасидан ахборотини эшитиш;

ҳудудда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини таъминлаш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳолати, муайян бир соҳа ёки ҳудуд бўйича коррупцияга қарши курашишга доир чора-тадбирлар дастурини аҳолининг коррупцияни идрок этиш даражасидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ҳудуддаги коррупцияга оид хавф-хатар юқори бўлган объектларда коррупциявий омилларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларидан, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга

оширувчи давлат органларининг, назорат қилувчи органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва бошқа ташкилотларнинг вакилларида иборат таркибда ишчи гуруҳлар тузган ҳолда ўрганиш ва бартараф этиш чораларини кўриш;

коррупциянинг олдини олишга қаратилган вазифаларнинг ижросини таъминлашда сусткашлик ва масъулиятсизликка йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриш бўйича таклифлар киритиш;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва Миллий кенгашга киритиш.

Худудий кенгаш фаолиятининг асосий ташкилий шакли унинг мажлисидир. Худудий кенгаш ўз ваколатлари жумласига кирадиган масалаларни, қоида тариқасида, ҳар чоракда ўз мажлисида кўриб боради.

Худудий кенгаш мажлиси аъзоларнинг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда, ваколатли деб ҳисобланади.

Худудий кенгаш мажлисларида қабул қилинадиган қарорларнинг бажарилиши худуддаги давлат органлари ва ташкилотлари учун мажбурийдир.

8³-модда. Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари

Давлат органлари ва ташкилотларида коррупция ҳолатларига ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир айрим вазифаларга эга бўлган лавозим, хизмат ва (ёки) бўлинмадан иборат комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари қонунчиликда белгиланган тартибда ташкил этилади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари:

давлат органи ва ташкилоти тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички сиёсат амалга оширилиши ҳамда ушбу соҳадаги фаолият мувофиқлаштирилишида бевосита иштирок этади;

давлат органи ва ташкилоти фаолиятида коррупция ҳолатларининг олдини олишга қаратилган самарали механизмлар ҳамда назорат тизими жорий этилишини таъминлайди;

давлат органи ва ташкилоти тизимида қонунга риоя этиш, унга нисбатан ҳурмат руҳини мустаҳкамлаш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат муҳитини яратиш ва бу борада аҳолининг ижобий фикрини шакллантириш чораларини кўради;

давлат органи ва ташкилоти тизимида коррупцияга қарши курашиш вазифасини амалга оширувчи, бюджет маблағлари айланмасини назорат қилувчи бўлинмаларнинг ҳамда шахсий хавфсизлик бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

коррупцияга оид хавф-хатарларни тизимли таҳлил қилиш ва баҳолаш, бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш бўйича зарур чораларни ишлаб чиқади ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади;

давлат органи ва ташкилоти тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни такомиллаштириб бориш чораларини кўради;

давлат органи ва ташкилоти фаолиятида шаффофликни таъминлаш, аффилиланганлик ҳамда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олишга қаратилган коррупцияга қарши назорат тизимини амалга оширади;

давлат органи ва ташкилотида коррупция ҳолатлари ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан белгиланган тартибда текширувлар ўтказилишини ҳамда қатъий жавобгарлик чоралари кўрилишини ташкил этади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари қонунчиликка мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органи ва ташкилоти тизимидаги ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот ҳамда маълумотлар базаларидан фойдаланиш;

давлат органи ва ташкилотида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

давлат органи ва ташкилоти тизимида коррупцияга қарши чораларни ҳамда назорат тадбирларини мустақил ёки ишчи гуруҳ тузган ҳолда ташкил этиш;

коррупцияга қарши курашиш борасида тезкор-қидирув, терговга қадар текширув ва тергов органлари билан ҳамкорлик қилиш, уларни белгиланган тартибда жалб этиш чораларини кўриш;

коррупциявий омилларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва коррупция ҳолатларига чек қўйиш мақсадида шахсларнинг хатти-ҳаракатларини, ходисаларни ҳамда жараёнларни бевосита ёки билвосита кузатиш ва қайд этиш;

ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан, фуқаролардан маълумотларни ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни ва материалларни сўраш ва олиш;

ваколатини амалга ошириш доирасида зарурат туғилганда тегишли ҳужжат ва материаллар билан танишиш мақсадида давлат органи ва ташкилотининг объектларига тўсқинликсиз кириш;

давлат органи ва ташкилоти тизимида аниқланган коррупция ҳолатлари бўйича юқори турувчи комплаенс хизматларини тўғридан-тўғри мустақил равишда хабардор қилиш;

давлат органи ва ташкилоти тизимида коррупция ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш мақсадида муайян шахслар билан белгиланган тартибда ноошкора ҳамкорлик ўрнатиш;

давлат органи ва ташкилоти тизимида аниқланган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик фактлари бўйича тўпланган материалларни қонуний чора кўриш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёки бевосита уларнинг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларига тақдим этиш;

давлат органи ва ташкилоти тизимида қонун бузилиши ҳолларининг олдини олиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар ва ушбу ҳолларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритиш.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

Давлат органи ва ташкилоти биринчи раҳбарларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлари аломатлари аниқланганда ёки жиноий гуруҳ фаолиятига раҳнамолик қилаётган деб ҳисоблаш учун етарли асослар мавжуд бўлганда уларнинг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат бўйича ўринбосари юқори турувчи комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат хизмати билан келишган ҳолда тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тўғридан-тўғри тақдим этиш, шунингдек кадрлар масаласи ва молиявий харажатлар бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳуқуқини вақтинча тўхтатиш ёки тегишли раҳбарни ёхуд ходимни вазифасини бажаришдан вақтинча четлатиш борасида таклиф киритиш ваколатига эга бўлади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Комплаенс хизмати мувофиқлаштириб боради»;

б) 19-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи** ва **ўн учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«давлат органларида ходимларнинг коррупцияга қарши барқарорлик даражасини диагностикадан ўтказиш;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўзининг коррупцияга оид хавф-хатар даражаси юқори бўлган вазифалари ва функцияларини аниқлаш, коррупцияга оид хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхатини шакллантириш ҳамда коррупцияга оид хавф-хатарни бартараф этиш чораларини кўриш»;

ўн иккинчи хатбошиси ўн тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

7) куйидаги мазмундаги 19¹ ва 19²-моддалар билан тўлдирилсин:

«19¹-модда. Коррупцияга оид хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш

Давлат органлари ва ташкилотлари ўзининг коррупцияга оид хавф-хатар даражаси юқори бўлган вазифалари ҳамда функцияларини аниқлайди, коррупцияга оид хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхатини шакллантиради ва коррупцияга оид хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича аниқ ва тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқади, шунингдек аниқланган хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида мажбурий равишда коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш ишларини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш ишларини амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида коррупцияга оид хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услуги Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

19²-модда. Коррупцияга оид хавф-хатарлар харитасини шакллантириш

Давлат органлари ва ташкилотлари, ҳудудлар ва соҳалар кесимида коррупция даражасини аниқлаш ва уни минималлаштириш мақсадида коррупцияга оид хавф-хатарлар харитаси шакллантирилади.

Коррупцияга оид хавф-хатарлар харитаси коррупцияга оид жиноятчилик статистикаси, коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили, аҳолининг коррупцияга бўлган муносабати (ижтимоий сўров натижалари), коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсатнинг самарадорлигига доир маълумотлар, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг ахбороти асосида шакллантирилади.

Коррупцияга оид хавф-хатарлар харитаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан юритилади»;

8) 27-модда куйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик натижасида тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш қонунда белгиланган тартибда, ваколатли давлат органининг, манфаатдор шахснинг аризасига асосан суд томонидан амалга оширилади»;

9) куйидаги мазмундаги 27¹-модда билан тўлдирилсин:

«27¹-модда. Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг электрон реестри

Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахслар Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган

шахсларнинг электрон реестрига (бундан буён матнда электрон реестр деб юритилади) киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан айблов ҳукми (ажрим) қонуний кучга кирган пайдан эътиборан уч иш куни ичида электрон реестрга шахс ҳақидаги маълумотларни киритади.

Электрон реестрда коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида белгиланган судланганлик муддати давомида сақланади.

Электрон реестрга киритилган шахсларга нисбатан қуйидаги чекловлар белгиланади:

давлат хизматига кириш ва давлат мукофотлари билан тақдирланиш; сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимларга номзодининг кўрсатилиши;

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда идоралараро коллегиял органларнинг аъзоси бўлиш;

ўзи таъсис этган ва (ёки) устав фондидаги (устав капиталидаги) улушининг 50 фоиздан кўпроқ қисмига ўзи эгалик қиладиган тадбиркорлик субъектларининг давлат харидларида ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда иштирокчи (ижрочи) сифатида катнашиш;

давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотларда ва давлат таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиш.

Электрон реестр Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда юритилади.

Электрон реестрдан маълумот олиш тартиби, коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларни Электрон реестрдан чиқариш асослари ва тартиби, шунингдек давлат органларининг Электрон реестрни юритиш борасидаги ҳамкорлиги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади»;

10) **28-модда:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ўзи меҳнат фаолиятини олиб бораётган давлат органида коррупцияга оид жиноят тўғрисида асосли хабар берган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигини олдиндан хабардор этмаган ҳолда икки йил давомида интизомий жазо чораларини қўллашга йўл қўйилмайди.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилувчи шахсларни рағбатлантириш давлат томонидан қафолатланади.

Рағбатлантириш бир марталик пул мукофоти, ташаккурнома, эсдалик совғаси шаклида ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин»;

бешинчи ва олтинчи қисмлари тегишинча саккизинчи ва тўққизинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

11) қуйидаги мазмундаги **28¹-модда** билан тўлдирилсин:

«28¹-модда. Давлат органлари ва ташкилотлари комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимларининг хавфсизлик кафолатлари

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимлари давлат ҳимоясидадир.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимларининг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, уларнинг телефондаги сўзлашувларини эшитиш, ходимларни кўздан кечириш ва уларни шахсий тинтув қилиш, шунингдек уларнинг хат-хабарларини, уларга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёхуд олиш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёзма рухсати билан, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимини, шу жумладан у билан меҳнат шартномаси тугатилганидан ёки хизматдан бўшатилиганидан кейин икки йил ичида собиқ ходимини гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилишга, уларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга ва ушлаб туришга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори хабардор этилган ҳолда, белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимларига нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқий ва ижтимоий жихатдан ҳимоя қилинади».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги ЎРҚ–546-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 384-модда, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 803, 804-моддалар, № 12, 1198-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда, № 7, 539-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда; 2025 йил, № 12, 1327-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **4-модданинг ўн тўртинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

2) **12-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳисоб палатасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаганидан кейин лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади»;

3) **29¹-модда** чиқариб ташлансин;

4) **30-модданинг ўн саккизинчи хатбошисидаги** «шунингдек коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимининг жорий этилишига ҳамда самарали фаолият кўрсатишига доир чоралар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **33-модданинг иккинчи қисмидаги** «шунингдек коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимининг жорий этилишига ва самарали фаолият кўрсатишига доир чоралар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги кейинги назорат жараёнида аниқланган тақдирда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрда қабул қилинган «**Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида**»ги ЎРҚ–595-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 889-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 4, 290-модда, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 3, 185-модда; 2024 йил, № 9, 958-модда; 2025 йил, № 12, 1329-модда; 2026 йил, № 2, 132-модда) **29-моддасининг иккинчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«болаларда ҳалоллик туйғусини шакллантиришни, уларни қонунларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашни»;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишинча **олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Таълим тўғрисида**»ги ЎРҚ–637-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 9, 538-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 1, 101-модда, № 9, 958, 964-моддалар, № 11, 1188-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда, № 10, 1155-модда, № 12, 1329-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) **14¹-модданинг учинчи қисми** «бошқарув тартибига қарши жиноятларни» деган сўзлардан кейин «коррупцияга оид жиноятларни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) 26-модданинг иккинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий жиҳатдан тайёрлаш сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади»;

ўн иккинчи – йигирма олтинчи хатбошилари тегишинча **ўн учинчи – йигирма еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган «**Давлат харидлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–684-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 289-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 12, 1288-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда, № 4, 519-модда, № 6, 730-модда; 2026 йил, № 3, 255-модда, № 4, 364-модда) **33-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Давлат буюртмачиси давлат харидларида сотиб олинадиган товарлар ва хизматларнинг нархи ҳамда уларнинг ўртача бозор нархи ўртасидаги тафовутнинг энг кўп йўл қўйиладиган аниқ чегарасига нисбатан белгиланган талабларга амал қилиши лозим.

Давлат харидларида сотиб олинадиган товарлар ва хизматларнинг нархи ҳамда уларнинг ўртача бозор нархи ўртасидаги тафовутнинг энг кўп йўл қўйиладиган аниқ чегарасини белгилаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонуннинг 9-моддасида назарда тутилган Давлат харидларида сотиб олинадиган товарлар ва хизматларнинг ўртача бозор нархини ўрганиш ва аниқлаш ҳамда уларнинг бошланғич нархи ва ўртача бозор нархи ўртасидаги тафовутнинг энг кўп йўл қўйиладиган аниқ чегарасини, шунингдек нархларнинг шакллантирилиши юзасидан назорат ўрнатиш тартибини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойлик муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирасин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

12-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2026 йил 22 июнь
№ ЎРҚ–1155